

RECREATIONAL RESOURCES OF ALTIARIQ DISTRICT AND THEIR TEACHING IN GEOGRAPHY CLASSES

ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ РЕКРАЦИОН РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚИТИЛИШИ

Samiyev Uchqunbek

Teacher in Andijan State Pedagogical Institute

Xoliqberdiyeva Shahrizoda

Student of Andijan State Pedagogical Institute

Samiyev Uchqunbek

Андижон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Xoliqberdiyeva Shahrizoda

Андижон давлат педагогика институти талабаси

Аннотация

Рекреацион ресурслар турлари, рекреацион ресурсларни ташкил этиш, табиий, иқтисодий, тарихий рекреацион ресурслар ва уларни ташкил этиш.

Аннотация

Виды рекреационных ресурсов, организация рекреационных ресурсов, природные, хозяйственные, исторические рекреационные ресурсы и их организация.

Abstract

Types of recreational resources, organization of recreational resources, natural, economic, historical recreational resources and their organization.

Key words: recreation resources, recreation farms, recreation facilities, types of recreation and service branches

Калит сўзлар: рекреацион ресурслар, рекрация хўжаликлари, рекреацион объектлар, рекрация турлари ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари

Рекреатцион ресурсларга - дам олиш, хордиқ чиқариш, инсон организми учун энергия ресурсларини қайта тиклаш кабилар тушинилади. Рекрацион ресурслар 2 грухга ажратилади:

А) табиий рекрацион объектлар

Б) иқтисодий рекрацион ресурслар

Табиий рекрацион ресурсларга асосан нодир табиат гўшаларига табиати жуда чиройли, бетакрор, киши табиат манзараларидан баҳра оладиган жойлар киритилади. Бундай объектларга ажойиб шовва, жилғалар, булоқлар, табиатнинг кизикарли жойлари (хар-хил устун шаклидаги тошлар) дарё ва сой бўйлари, тоғ ва тоғ ёнбағирларидаги табиатнинг сўлим гўшаларини киритишимиз мумкин.

Иқтисодий-тарихий рекрацион ресурсларга турли хил инсонлар томонидан яратилган обидалар, баланд, гўзал иншоатлар, инсонлар томонидан яратилган шаршаралар киритилади.

Табиий ва маданий мажмуалар, техник тизим, хизмат кўрсатувчилар, бошқарув органлари каби рекреатсион эҳтиёжларни та’минлаш гуруҳларини ўз ичига олган ижтимоий – демоэкологик тизим ҳисобланади. Дам олишни ташкил қилувчиларнинг туристик фаолияти эса – аҳолининг дам олиши учун оптимал шарт-шароитларни яратишдаги рекреатсион тизимларини шакллантириш ва ривожлантиришдаги фаолиятларни ўз ичига олади. Рекреалогик тадқиқотларнинг барчасида инсон тирик кучининг тикланиши жараёни ва уни ўрганиш бош вазифа сифатида қаралади.

Биринчидан, жамият ва кишиларнинг кўплаб ижтимоий маънавий эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир қанча гуруҳларга бўлинади ва бу гуруҳлар бўш вақтни кўнгилли ўтказиш шароитларни белгилаш, жонли қувватни тиклашдаги киши эҳтиёжи билан боғлиқ.

Иккинчидан, кишининг дам олиши ва бўш вақтларини кўнгилли ўтказишдаги бу каби эҳтиёжлар кундалик меҳнат фаолиятидан жамоатчилик фаолиятига жалб этиш учун махсус шароитлар яратади ва рекреатцион фаолиятни уйғотади.

Учинчидан, рекреацион фаолиятнинг ривожланиши натижасида табиий объектларни муҳофаза этиш, эъзозлаш, маданият мажмуаларини табиат билан уйғунлаштириш тизимини яратишда шахс иштирокини таъминлайди ва ўз навбатида рекреацион эҳтиёжни қаноатлантиришда жамоатчилик фаолиятини ривожлантиради.

Тўртинчидан, барқарор рекреацион тизимни яратишда қуйидаги омиллар, яъни эҳтиёж, фаолият йўналиши, тизимнинг яратилиш зарурияти ва унинг элементлари, системани ташкил этувчи ички ва ташқи алоқалар каби муҳим ўрин тутди.

Бешинчидан, рекреацион тизим фаолият вазифаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Олтинчидан, ўз тавсифига кўра, рекреацион тизим сотсиологик, демографик, экологик, макон ва динамик тизимларнинг ҳам таркибий қисмидир.

Шундай қилиб, рекреацион тизим рекреологиянинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади.

Рекреатсия туризмнинг муҳим асосини ташкил этиб, инсоннинг жисмоний, психологик интеллектуал кучи ва қувватини катта ишлаб чиқариш жараёнидир. Рекреатсия ва рекреацион фаолият билан боғлиқ тадқиқотлар замонавий фан тизимининг янги, яъни ёш йўналишлардан бири.

1963-1975 йилларда ҳозирги Россия Фанлар Академияси география институти мутахассислар жамоаси (В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, В.Н.Лехонов, Л.И. Мухина, Л.С.Филиппович ва бошқалар) томонидан “Рекреацион географиянинг назарий асослари” номли монография тайёрланди ва бу монография кейинги шу каби тадқиқотлар учун асос сифатида хизмат қилди.

1992 йилда эса Россия халқаро туризм академиясида В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, В.А.Квартолнов, В.М.Кривошеёв, Л.С.Филипповичлар муаллифлигида “Рекреология ва рекреацион география назарияси” номли янги монография чоп этилди. Унда кўп йиллик тадқиқотлар умумлаштирилган ва рекреология қандай ривожланиши лозимлиги тўғрисида; рекреацион тизим, рекреацион эҳтиёж бош омил

сифатида, рекреатсион фаолият тизимини ташкил этувчи омил сифатида, рекреатсион тизим модели ҳақидаги концептсия ёки дастури амал вазифасини ўтайди.

Рекреалогия – ландшафт ва унинг хусусиятларини бош омил ҳисобловчи биринчи фанлардан бири сифатида майдонга чиқди. Узоқ тарихий даврлар давомида қора металл, нефть' казиб чиқариш, қайта ишлаш ва ҳатто қишлоқ хўжалигига фақатгина эҳтиёж маҳсулотлари етказиб берувчи ишлаб чиқариш тармоғи сифатида қоралар эди. Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, туризмнинг ривожланиши табиатдан тўғри фойдаланишнинг маданий қарашларнинг оммавий тус олишига сабаб бўлди. Бу даврга келиб, фан-техника цивилизациясининг ривожланиши натижасида ҳар бир жой ландшафти бетакрор ва ўзига хос эканлигини инсоният англаб етди.

А.А.Минтс ва В.С.Преображенскийлар фикрига кўра, ҳудудий тизимларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулоса қилинадики, ландшафтнинг маҳаллий хусусиятларини сақлаб қолишда унинг ўзгарган ҳолатидан кўра, унга нисбатан муносабат ўзгаришини муҳим деб ҳисоблайди. Ҳақиқатда ҳам, инсониятнинг ландшафтларга муносабати рекреатсион тизимнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Масалан, курорт, дам олиш, даволаниш каби рекреатсион фаолиятлар муҳим талабларга, яъни табиат мажмуалари ҳисобига таянади.

Хулоса қилиб айтганда, ландшафт фаолияти тамойили экологик-туристик тизим миллий боғлар ва туристик маршрутларни лойиҳалаштиришда жуда муҳимдир.

Рекреалогия ва рекреатсион фаолиятнинг диққатга молик жиҳати шундаки рекреалогия объекти инсон бўлса, унинг тадқиқот предмети эса шахс ҳаётининг маънавий, жисмоний, ижтимоий қисми бўлиш бўш вақт фаолиятидир.

Рекреатсион эҳтиёж юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолининг маълум қисми (дам олувчилар) нинг жисмоний, ма'навий, руҳий қувватини тиклаш эҳтиёжи. Бу эҳтиёж фақатгина жисмоний, руҳий, интеллектуал дам олиши тўғри ташкил этилган фаолият орқали амалга оширилиши мумкин.

“Рекреатцион фаолият” бир гуруҳ аҳоли ёки инсон фаолияти билан боғлиқ тарихий тушунча ва “рекреатцион машғулот” ва “машғулот цикли” тушунчалари билан ҳам боғлиқ. Рекреатцион фаолият инсон фаолиятининг барча турлари билан боғлиқ бўлиши баробарида ўзининг спетсифик қирраларига ҳам эга. Масалан, Ю.Веденин рекреатцион фаолиятни умуминсоний, миллий, шаҳар ва қишлоқларга хос қадриятлар, маданиятнинг этник гуруҳларига хос қирраларини англашга қўмаклашишини таъкидлаган.

Рекреатцион фаолиятни тартиблаш ва бир вақтнинг ўзида даврийлигича эътибор қаратиш жуда муҳим. Чунки фаолият ҳар доим табиат ритми ва босқичи (сутка, фасл ёки мавсум) дам олувчиларнинг сотсиалц-маиший фаолияти билан боғлиқ. Дам олувчилар ва дам олишни ташкил этувчилар учун рекреатцион фаолиятни ташкиллаштиришнинг характерли шаклларида бири. Рекреатцион фаолият цикллари рекреатсион машғулотларни типларга ажратиш асосида шаклланади.

Оддий рекреатсион машғулот (ОРМ) – рекреатцион фаолиятнинг бўлинмас технологик компоненти бўлиб, молекула атомлари сингацри бўлинмасдир. Бироқ, сотциологлар ҳисобларига кўра, уларнинг юз мингдан ортиқ турлари мавжуд. Улар сони йиллар давомида кўпайиб боради. Шу боис, уларни маълум типларининг таркибий қисми сифатида қоралади. ОРМ лар хусусиятлари ва вазифа бажаришдан келиб чиқиб маълумотлар кўламини йирикрок гуруҳларга айланттириш асосида рекреатсион фаолият типлари (РФТ) юзага келади. Масалан, туристлар қизиқиши доирасидаги маршрутларда бирор муаммо юзага келиши мумкин. (Ноқулай об-ҳаво ёки бирор объектнинг таъмирланиши жараёни). Бунда улар қизиқиши доирасидаги бошқа маршрут таклиф этилади.

Ўз навбатида, РФТ лар умумлаштирилиши рекреатсион фаолият тсикллари ташкил қилади.

Рекреатсион фаолият тсикллари (РФТС) –РФТ ларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартлилиги асосида, етакчи РФТ базасида таркиб топади. Рекреатцион фаолиятни тсиклларга ажратишда табиий фасллар асосан эътиборга олинади.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ҳам рекреацион ресурслар кўплаб учрайди. Масалан: табиий рекреацион ресурсларга Қизилтепа масканини киритишимиз мумкин. Шунингдек ҳудуддаги Зилҳа қумлиги ҳам мисол бўла олади. Икки ҳудуд ҳам табиий йўл билан ҳосил бўлган. Қизилтепа ҳудудида иссиқ минерал сув топилган ва бу жойни кейинчалик кишилар дам оладиган, соғлигини тиклайдиган мақсадда санаторийлар ташкил этишди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Abduganiev O. I., Turdiboyeva S. Estimation of ecological-economic condition of territories (on the example of Ferghana regions) // Экономика и социум. – 2019. – №. 5
2. ҚЎЗИБОЕВА, О., & ХАМИДОВА, Н. ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН РАЙОНЛАШТИРИШИ. Бахтинур АБДУЖАББОРОВ.
3. 2. Қўзибоева О.М., Ҳамидов А.А. Фарғона водийсида табиий географик районлаштириш ишларини такомиллашуви // Янгиланаётган Ўзбекистонда география: фан, таълим ва инновация. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2021. -Б. 80-84.
4. Қўзибоева О., Исроилова О. Иқлим ўзгариш шароитини Жанубий Фарғона дарёларининг сув режимига таъсири // Комплекс географик тадқиқотлар: инновация ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Андижон, 2022. -Б. 32-35.
5. Қўзибоева О., Назаров Х., Исроилова О. Жанубий Фарғона иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари динамикасини ландшафтларга таъсирини тадқиқ этиш // Комплекс географик тадқиқотлар: инновация ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Андижон, 2022. -Б. 29-31.
6. Хўжаев В., Қўзибоева О. Географическая оценка природной среды // Борбордук Азиядагы эл аралык мамилелердин, гуманитардык жана табиғый илимдердин актуалдуу проблемалары: учурдагы абалы жана

- келечектери. Международная конференция. – Ош (Кыргызстан), 2019. - С. 317-321.
7. Кузибоева О.М., Хамедов А. Развитие географических основ для оптимизации геоэкологических ситуаций юго-западной Ферганы // Экономика и социум. №1(92), 2022. -Б. 2-6. (11.00.00; Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари нашрлари №11).
 8. Қўзибоева О.М. Фарғона ботиғи ландшафтларини замонавий усулларда тадқиқ этиш ҳамда улар асосида ландшафтлардаги ўзгаришларни баҳолаш // Фан ва жамият. 3-сон. –Нукус, 2021.-Б. 32-34. (11.00.00; Миллий нашрлар №10).
 9. Қўзибоева О., Расулов Э. Фарғона ботиғини геоморфологик тузилишини ўрганиш // Фан ва жамият. 3-сон. – Нукус, 2021. -Б. 34-36. (11.00.00; Миллий нашрлар №10).
 10. Қўзибоева О. // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/1/1-сон. –Тошкент, 2021. -Б. 216-218. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 11. Қўзибоева О., Ҳамедов А. Жанубий-ғарбий Фарғона ландшафтларини тадрийжий ўзгариши билан иқлимий кўрсаткичларни ўртасидаги боғланишлар // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/1/1-сон. Тошкент, 2021 -Б. 282-284. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 12. Qo‘ziboyeva O., Sobirova N.Farg‘ona vodiysi landshaftlarining rivojlanish tendensiyasini o‘rganilish tarixi // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand, 2021, 5-son. -Б. 74-77. (11.00.00; Milliy nashrlar №4).
 13. Қўзибоева О. Ҳудуд ландшафтлари тадрийжий ўзгаришлари билан иқлимий кўрсаткичларининг ўртасидаги боғланишлар таҳлили // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/2-сон. –Тошкент, 2021. -Б. 184-186. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 14. Мелиев Б., Қўзибоева О. Ландшафтларни тадқиқ этишнинг замонавий усуллари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/2. Тошкент, 2021. -Б. 195-197. (11.00.00; Миллий нашрлар № 7).

- 15.Qo'ziboyeva O., Meliev B., Do'sbekov S. Farg'ona vodiysi janubiy-g'arbiy qismidagi o'simliklar dinamik (fenologik) o'zgarishining landshaft indikatsion tahlili // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand, 2021. 3-son.-B. 108-113.(11.00.00; Milliy nashrlar №4).
- 16.Kuziboyeva O. Landscape – Land reclamations approach in the study of conical landscape complexes // The American Journal of Applied Sciences.2020. SJIF:5.276. -P. 1-6. (Йирик нашриётлар ва маълумотлар базасига эга нашрлар. CrossRef №35, Journal Impact Factor №2).
- 17.Kuziboyeva O. Issues of optimization of geoeological situation in Fergana Valley // Multidisciplinary Peer Reviewed journal. Volume 6, Issue 11, 2020. -P. 445-450.(Йирик нашриётлар ва маълумотлар базасига эга нашрлар.DirectoryIndexingofInternationalResearchJournals-CiteFactor №16).
- 18.Khamidova N. N. Speech exercises as a necessary component of the formation of the communicative personality of students in teaching foreign languages". Английский язык в сфере профессиональной Коммуникации vii всероссийская молодежная научная конференция Kazan. 2021
- 19.Sevinch, N. (2022). ANALYSIS OF TRANSLATION PROBLEMS OF ENDEARMENT TERMS. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 359-362.
- 20.Raskhodova, I. A., and N. N. Khamidova. "THE ORIGIN OF THE CATEGORY OF INTENSITY IN LINGUISTICS AND STAGES OF ITS DEVELOPMENT." In ПРИКЛАДНАЯЭЛЕКТРОДИНАМИКА, ФОТОНИКАИЖИВЫЕСИСТЕМЫ -2021, pp. 549-551. 2021.\
- 21.Raskhodova, I. A., and N. N. Khamidova. "FEATURES OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN LINGUOCULTURE." In Современные проблемы филологии, педагогики и методики преподавания языков, pp. 140-142. 2020.

22. Khamidova, N. N. Effectively engaging text as a basic unit of communication in EFL in learner centered classroom / N. N. Khamidova, I. A. Raskhodova // Английский язык в сфере профессиональной коммуникации : Сборник тезисов докладов VII Всероссийской молодежной научной конференции, Казань, 15 ноября 2021 года. – Казань: ИП Сагиева А. Р., 2021.– Р. 136-137. – EDN OFMMJB.